

## Биринчи курс фаоллариға муносиб рағбат

ГИМ факультети СХМИМ йўналиши 1-курс 1-гуруҳ талабалари орасида икки ойлик рейтинг бўйича энг фаол талабалар факультет декани Б.Норов томонидан фахрий ёрлиқ билан тақдирландилар.

Гурухда ўз фаоллилиги билан ажralиб турган талабаларимизга институтимиз Касаба уюшма қўмитаси раиси Ф.Ирисовнинг “Касаба уюшмаси фаоли” нишони ҳамда, фахрий ёрлиғи топширилди. Икки ой мобайнида гурухни бирлаштирган, бутун масъулиятни ўз зиммасига олган гурух сардорига “Энг яхши гурух сардори” номинацияси бўйича нишон ва фахрий ёрлиқ топширилди.

Бундан ташқари гурухнинг маънавий ишлари бўйича бир гурух фаоллариға айнан шундай фахрий ёрлиқлар берилди. Ўқиш даврининг ҳар икки ойлиги рейтинги бўйича олиб борилиши йил давомида йўлга қўйилган номинациялар тақдирлаши давом этади.



“Гидромелиоратив ишларни механизациялаш” кафедраси стажёр-ўқитувчisi Сарвиноз Холова  
ахбороти  
Институт матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов